САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЗАВҚИДДИН РАВШАНОВИЧ

ГИПЕРБОЛИК ТИПДАГИ ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН КУЧСИЗ ГОРИЗОНТАЛ МУҲИТЛАРДА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика–математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Бухоро – 2020

УДК: 517.958

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЗАВҚИДДИН РАВШАНОВИЧ

ГИПЕРБОЛИК ТИПДАГИ ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН КУЧСИЗ ГОРИЗОНТАЛ МУҲИТЛАРДА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика–математика фанлари)

Физика–математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Бухоро – 2020

Физика–математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/FM459 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти Бухоро бўлинмаси ва Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифаси (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика–математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хасанов Ақназар Бекдурдиевич** физика–математика фанлари доктори, профессор
	Карчевский Андрей Леонидович физика–математика фанлари доктори, профессор (Россия)
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»________ соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38, e–mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38.

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.–м.ф.д.

А.Б. Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган аксарият илмий ва амалий тадқиқотлар, изланишлар хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар, улар учун қўйилган тўғри ва тескари масалалар ҳамда бу масалаларни сонли ечиш усулларини ўрганишга олиб келинади. Бугунги кунда хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар геология, электродинамика, тўлқин тарқалиш жараёнлари, геофизика ва бошқа кўплаб соҳалардаги тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилаётган асосий масаласи ҳисобланади. Тўғри масала ечими ҳақида қўшимча маълумотга асосланиб, тўғри масала ечимини, интегро-дифференциал тенглама ядросини аниқлаш ва уларни сонли ечиш масаласига доир тадқиқотларни олиб бориш бугунги кунда математик физиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида математик физиканинг энг тез ривожланаётган соҳаси – тескари масалаларни тадқиқ қилиш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳа физика ва техник фанлардаги энг муҳим муаммолардан бирига айланди, чунки улар бевосита аниқлаб бўлмайдиган параметрларни топишга имкон беради. Бу йўналиш жуда кўп соҳаларда татбиқга эга. Хотирага эга бўлган турли хил муҳит ва системаларда хотира функциясини сонли аниқлаш долзарб ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, хотирали муҳитларда эластик-қовушқоқлик интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган тўғри ва тескари масалаларнинг корректлигини ўрганиш, уларни тўғри математик моделлаштириш, шунингдек, бундай масалалар учун самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш назарий, шу билан бирга, амалий жиҳатдан ҳам муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда илмий ва амалий татбиққа эга бўлган фундаментал фанларга, жумладан, математик физиканинг тескари масалалари ва уларни сонли ечишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу борада гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламаларда хотира ядросини аниқлаш ва уни сонли қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу изланишлар натижасида гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар учун кучсиз горизонтал муҳитларда тескари масалалар ечимининг мавжудлиги, ягоналигини исботлашга ва горизонтал қатламланган таъсирдан кейинги эластик муҳитнинг хотира функциясини аниқлашнинг сонли усулини қуришга эришилди. Дифференциал тенглама ва математик физика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа этиб белгиланди[1]. Бу қарор ижросини таъминлашда математик физиканинг интегро-дифференциал тенгламалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори, 2018 йил 20 июлдаги «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3876-сонли Қарори, 2018 йил 29 майдаги «Ижтимоий-иқтисодий соҳада илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3752-сонли Қарори, 2020 йил 2 мартдаги «2017—2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математик физиканинг тескари масалалари назариясини ривожлантиришга А.С. Алексеев, А.В. Баев, А.Л. Бухгейм, А.В. Гончарский, В.В. Васин, С.И. Кабанихин, М.Г. Крейн, М.М. Лаврентьев, А.И. Прилепко, В.Г. Романов, А.Н. Тихонов, В.Г. Яхно ва бошқа олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Гиперболик тенгламалар ва системалар учун дастлабки динамик тескари масалалар А.С. Алексеев, М.М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский томонидан таърифланган ва тадқиқ қилинган. Гиперболик типдаги тенгламалар ва системалар учун динамик тескари масалалар тизимли тарзда В.Г.Романов томонидан тадқиқ қилинган.

Гиперболик тенгламаларда хотира ядросини аниқлаш масалалари тескари масалалар назариясида нисбатан ёш йўналишдир. Хотира (кечикиш) феномени шундай тизимларда вужудга келадики, бунда нафақат тизимнинг ҳозирги ҳолати, балки тизимнинг барча олдинги ҳолатлари ҳам ҳисобга олинади, бошқача қилиб айтганда, бу ҳодиса тизимнинг ҳозирги ва ундан олдинги ҳолатига боғлиқ. Бунга эластик-қовушқоқлик ҳодисаси мисол бўлиб, муҳитнинг деформацияси нафақат қўйилаётган кучларнинг табиатига, балки ушбу муҳит дуч келган олдинги деформацияларга ҳам боғлиқ. Дисперсияли муҳитда электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши, математик биологиядаги ҳайвонлар ва турли хил ўсимликларнинг популяцион тизими каби ҳодисалар ҳам шу турдаги масалаларга мисол бўла олади.

Муҳитнинг хотира функциясини аниқлашнинг тўғри ва тескари масалалари анча кенг доирадаги тенгламалар учун ўрганилган. Масалан, бу йўналишда А.С. Благовещенский, Д.А. Федоренко, А.Л. Бухгейм, М. Грассели, А. Лоренци, В.Г. Романов, С.И. Кабанихин, Д.Қ. Дурдиев, В.Г. Яхно, Э.И. Шемякин ишларини мисол қилишимиз мумкин. Ушбу ишларда гиперболик ва параболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар ядросини аниқлаш бўйича бир ўлчовли тескари масалалар қаралган, бундан ташқари бирор соҳа чегарасида ёки тайин нуқта атрофида дельта-функцияли манбалар билан гиперболик типдаги чизиқли интегро-дифференциал тенгламалар учун кўп ўлчовли тескари масалалар ҳам қаралган. Тескари масалалар ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремалари, шартли турғунлик шартлари олинган. Шу билан бирга, жуда кам сонли ишлар бу каби тескари масалаларни сонли ечишга бағишланган. Бу борада В.И. Дмитриев, Г.В. Аккуратов, А.Г. Фатьянов, А.Л. Карчевскийларнинг ишларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Кўпгина амалий масалаларда горизонтал-қатламланган муҳит моделидан фойдаланилади. Юқорида келтирилган ишлардан В.Г. Романов, Д.Қ. Дурдиев, А.С. Благовещенский, А.Л. Карчевскийларнинг ишлари масаланинг қўйилиши ва тадқиқ этиш усули жиҳатидан, шунингдек, сонли натижаларни олиш нуқтаи назаридан диссертация ишига яқин ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг Ф–4–02 “Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” (2017-2020й.) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламанинг горизонтал ўзгарувчидан кучсиз боғлиқ бўлган икки ўлчовли ядросини аниқлаш усулларини қуриш, ечимнинг ягоналигини ва бу тескари масалалар ечимлари мавжудлигини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асосий қисмида тўлқин оператори бўлган гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенглама учун қўйилган бошланғич-чегаравий масаланинг бир қийматли ечилишини текшириш;

тўғри масала ечими $z = 0$ да берилган ҳолда моментлар усулидан фойдаланиб, горизонтал ўзгарувчи x дан кучсиз боғлиқ бўлган махсус кўринишдаги интеграл ҳаднинг икки ўлчовли ядросини аниқлаш масаласининг глобал ечилувчанлигини кўрсатиш;

тўғри масала ечими $z = 0$ да берилган ҳолда Фурье усулидан фойдаланиб, горизонтал ўзгарувчи x дан кучсиз боғлиқ бўлган икки ўлчовли махсус ядрони аниқлаш масаласини тадқиқ қилиш;

фазовий ўзгарувчиси бўйича аналитик ва вақт ўзгарувчиси бўйича силлиқ функциялар синфида, кўчиш векторининг z компонентаси бўйича ёзилган эластик-қовушқоқлик тенгламаси учун тўғри ва тескари масалани тадқиқ қилиш, интеграл ҳаднинг ядросини тўғри масала ечимининг $z = 0$ даги қийматига кўра аниқлаш, қўйилган тескари масала бир қийматли ечилишини исботлаш ва шартли турғунлик баҳосини олиш;

горизонтал қатламланган таъсирдан кейинги эластик муҳитнинг хотира функциясини аниқлашнинг сонли усулини қуриш.

Тадқиқотнинг объекти гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар ва эластик-қовушқоқлик тенгламасидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети горизонтал ўзгарувчидан кучсиз боғлиқ бўлган иккинчи тартибли гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар учун икки ўлчовли тўғри ва тескари масалалар, эластик-қовушқоқлик тенгламасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал анализ ва дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари, ҳамда математик физика усулларидан фойдаланилган. Тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечилувчанлиги улар Вольтерра типидаги иккинчи тур чизиқли бўлмаган ёпиқ интеграл тенгламалар системаси билан алмаштирилиб, сўнгра уларга кетма-кет яқинлашиш усули, сиқилувчан акслантиришлар принципи қўлланилган. Ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш учун дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асосий қисмида тўлқин оператори бўлган гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенглама учун қўйилган бошланғич-чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши, ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

тўғри масала ечими $z = 0$ да берилган ҳолда Фурье алмаштириши ва моментлар усулларидан фойдаланиб, горизонтал ўзгарувчи x дан кучсиз боғлиқ бўлган интеграл ҳаднинг икки ўлчовли ядросини аниқлаш масаласининг глобал бир қийматли ечилувчанлиги исботланган;

фазовий ўзгарувчилари бўйича аналитик ва вақт ўзгарувчиси бўйича силлиқ функциялар синфида интеграл ҳаднинг икки ўлчовли ядросини топиш масаласининг локал бир қийматли ечилувчанлиги исботланган;

горизонтал қатламланган таъсирдан кейинги эластик-қовушқоқ муҳитнинг хотира функциясини аниқлашнинг сонли усули қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари математик физиканинг тескари масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар ва уларнинг системаларида бир ва кўп ўлчовли ядрони аниқлаш масалаларида, горизонтал қатламланган муҳитнинг хотира функцияси параметрларини сонли аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дифференциал тенгламалар назарияси, тескари масалалар назарияси, математик анализ усуллари қўлланилганлиги, ҳамда, исботлар ва математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, масаланинг аниқ ечими билан таққосланиши ва ҳисоблаш экспериментини ўтказиш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улар математик физиканинг интегро-дифференциал тенгламалари учун тескари масалалар назариясини янада ривожлантириши, хотира функцияси параметрларини аниқлашнинг сонли усули қурилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни геофизик ва сейсмик кузатишлар моделларида, хотирали муҳитда эластик ва электромагнит тўлқинларнинг тарқалишини текширишда татбиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар учун кучсиз горизонтал муҳитларда тескари масалаларга оид илмий натижалар асосида:

горизонтал ўзгарувчидан кучсиз боғлиқ бўлган иккинчи тартибли гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламаларда икки ўлчовли ядрони топишнинг таклиф этилган усулидан ОТ-Атех-2018-340 рақамли «Икки тезликли муҳит динамикасининг амалий геофизик масалаларини назарий ва сонли тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳада (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги №89-03-2472 рақамли маълумотномаси) эластик–қовушқоқлик тенгламасидан ядрони аниқлаш масалаларида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши кучсиз горизонтал муҳитларда хотирали тенглама ядросини аниқлаш масаласининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш имкониятини берган;

горизонтал қатламланган соҳаларда хотира функцияси параметрларини сонли аниқлаш усулларидан РНФ 18-19-00538 рақамли «Микро ва наноқопламали сиртлардаги суюқлик томчиларининг динамикаси ва буғланиши» номли хорижий лойиҳада (Россия фанлар академияси, Сибир бўлими, С.Л. Соболев номидаги Математика институти, 2020 йил 7 июлдаги маълумотномаси) ўрама типидаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламанинг ядросини аниқлашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши қатламли қопламаларнинг хотира функциясини аниқлашнинг сонли усулини қуриш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида, жами 7 та илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишда тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацияда танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий–тадқиқот ишлари шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган мақолалар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Кучсиз горизонтал муҳитларда хотира ядросини аниқлаш масаласи»** деб аталади**.** Ушбу бобда иккинчи тартибли гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламанинг интеграл ҳадидаги ядрони топиш тескари масаласи ўрганилган. Бунда ядро ҳам вақтдан боғлиқ, ҳам фазовий ўзгарувчиларнинг биридан боғлиқ. Ядро x ўзгарувчидан кучсиз боғлиқ деб фараз қиламиз. Биринчи бобнинг биринчи параграфида тўғри ва тескари масала моментлар усулида ечилган. Қуйидаги интегро-дифференциал тўлқин тенгламасини

$$u_{tt}-u_{xx}-u_{zz}=\int_0^t K\,(\tau,x)u(t-\tau,x,z)d\tau,\;\; t\in\mathbb{R},\;\; (x,z)\in\mathbb{R}_+^2 \qquad (1)$$

бошланғич ва чегаравий шартлар

$$u|_{t<0}\equiv 0, \qquad (2)$$
$$u_z|_{z=0}=\delta(x)\delta'(t) \qquad (3)$$

билан қараймиз. Бу ерда $\mathbb{R}_+^2=\{(x,z)\in\mathbb{R}^2|z>0\}$, $\delta(x)-$ Диракнинг дельта-функцияси, $\delta'(t)$- эса унинг ҳосиласи.

Тескари масалани қуйидагича қўямиз: агар (1)-(3) масаланинг $z=0$ даги

$$u(t,x,0)=f(t,x),\;\; t>0,\;\; x\in\mathbb{R}, \qquad (4)$$

қиймати маълум бўлса, (1) тенгламадаги интеграл ҳаднинг $K(x,t)$, $t>0$, $x\in\mathbb{R}$ ядроси аниқлансин. Фараз қилайлик, (1) тенгламадаги интеграл ҳад ядроси K горизонтал ўзгарувчиси x дан кучсиз боғлиқ бўлсин:

$$K(t,x)=K_0(t)+\varepsilon xK_1(t)+\cdots, \qquad (5)$$

бу ерда ε- кичик параметр.

(1)-(3) тўғри масала ечимини ε нинг даражалари бўйича қатор кўринишида излаймиз:

$$u(t,x,z)=u_0(t,x,z)+\varepsilon u_1(t,x,z)+\cdots. \qquad (6)$$

У ҳолда (4) тенгликни инобатга олсак, $f(t,x)$ қуйидаги кўринишда бўлади:

$$f(t,x)=f_0(t,x)+\varepsilon f_1(t,x)+\cdots.$$

v_{nm} орқали u_n функциянинг $m-$ моментини белгилаймиз:

$$v_{nm}(t,z):=\int_{-\infty}^{\infty}u_n\,(t,x,z)x^m dx.$$

Қуйидаги

$$v_{nn|_{z=0}} = \int_{-\infty}^{\infty} f_n\,(t,x)x^n dx = a_n(t),\ \ n = 0{,}1, \tag{7}$$

тенгликлар ўринли бўлиб, $a_n(t), n = 0{,}1 -$ эса берилган етарлича силлиқ функциялар бўлсин. $n = m = 0$ да K_0, v_{00} номаълум функциялар учун қуйидаги масалага эга бўламиз:

$$v_{00tt} = v_{00zz} + \int_0^t K_0\,(\tau)v_{00}(t-\tau, z)d\tau, \tag{8}$$

$$v_{00}|_{t<0} \equiv 0,\ \ v_{00z}|_{z=0} = \delta'(t). \tag{9}$$

(8), (9) масала ечимини қуйидаги кўринишда қидирамиз:

$$v_{00}(t,z) = -\delta(t-z) + v(t,z)\theta(t-z),$$

бу ерда $v(z,t) -$ регуляр функция. Юқоридагидан келиб чиқадики, тескари масала ечимга эга бўлиши учун $a_0(t)$ функция

$$a_0(t) = -\delta(t) + \theta(t)a(t),\ \ t \in \mathbb{R}$$

кўринишда бўлиши зарур, бунда $a(t) -$ маълум регуляр функция. (7) қўшимча шарт $n = 0$ да v_{00} функциянинг регуляр қисми бўлган v функция учун қуйидаги кўринишда бўлади:

$$v(t,0) = a(t), \qquad t > 0. \tag{10}$$

1-теорема. $a(t) \in C^3[0,T]$ бўлиб $a(0) = a'(0) = 0$ тенгликлар ўринли бўлсин. У ҳолда ихтиёрий тайин $T > 0$ сони учун (8)-(10) тескари масала $K_0(t) \in C^1[0,T]$ ягона ечимга эга.

Энди K_1, v_{11} функцияларни аниқлаймиз. (7) қўшимча шартни $n = 1$ да ва тўғри масалани $n = m = 1$ ларда ҳисобласак, $v_{11}(t,z), K_1(t)$ функцияларни топиш учун қуйидаги тенгламаларга эга бўламиз:

$$v_{11tt}{=}v_{11zz}{+}\int_0^t [K_0(t-\tau)v_{11}(\tau,z){+}K_1(t-\tau)v_{02}(\tau,z)]\,d\tau,\ \ (t,z){\in}\mathbb{R}_+^2, \tag{11}$$

$$v_{11}|_{t<0} \equiv 0,\ \ \frac{\partial}{\partial z}v_{11}\bigg|_{z=0} = 0,\ \ v_{11}|_{z=0} = a_1(t),\ \ z > 0. \tag{12}$$

2-теорема. $a_1(t) \in C^4[0,T]$ ва $a_1(0) = a_1'(0) = a_1''(0) = a_1'''(0) = 0$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий тайин $T > 0$ сони учун (11), (12) тескари масала $K_1(t) \in C[0,T], v_{11}(z,t) \in C(\square(0,T))$ ягона ечимга эга бўлади, бу ерда

$$\square(z,t) = \left\{(\xi,\tau): |\xi| \le \tau \le t - |z-\xi|,\ \ \frac{z-t}{2} \le \xi \le \frac{z+t}{2}\right\}.$$

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида олдинги параграфдаги масала Фурье алмаштиришлари усулида ечилган. Бунда (1) ва (2) тенгламалар

$$u_z|_{z=0} = \delta'(x)\delta'(t)$$

чегаравий шарт ва $u(t,x,0) = g(t,x),\ t > 0,\ x \in \mathbb{R}$ қўшимча шарт билан қаралган. u функцияни (6) кўринишда излаймиз ва K функцияни (5) кўринишда бўлсин деб фараз қиламиз. $u_j(t,x,z),\ \ j = 1{,}2, \ldots$ функциялардан x ўзгарувчи бўйича уларнинг экспоненциал Фурье образларига ўтамиз:

$$\tilde{u}_j(t,\lambda,z) = \int_{\mathbb{R}} u_j\,(t,x,z)e^{-i\lambda x}dx,\ \ \lambda \in \mathbb{R}.$$

$\tilde{u}_j$ номаълум функцияга нисбатан тескари масала қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\tilde{u}_{ntt} - \tilde{u}_{nzz} - \lambda^2 \tilde{u}_n = \int_0^t \sum_{j=0}^{n} i^j K_j(\tau) \frac{\partial^j}{\partial \lambda^j} \tilde{u}_{n-j}(t-\tau, \lambda, z) d\tau, \tag{13}$$

$$\tilde{u}_n|_{t<0} \equiv 0, \;\; \tilde{u}_{nz}|_{z=0} = -i\lambda\delta'(t)\delta_{n0}, \tag{14}$$

$$\tilde{u}_n|_{z=0} = \tilde{g}_n(t,\lambda), \;\; (t,\lambda) \in \mathbb{R}^2, \;\; n = 0,1,2,..., \tag{15}$$

бу ерда $t \in \mathbb{R}$, $(\lambda, z) \in \mathbb{R}_+^2$ бўлиб, δ_{n0} - Кронекер символи ва

$$\tilde{g}_m(t,\lambda) = \int_{\mathbb{R}} g_m(t,x) e^{-i\lambda x} dx, \;\; m = 0,1,2,...$$

Бу ердан $n = 0$ да K_0, $\tilde{u}_0$ ларга нисбатан ва $n = 1$ да K_1, $\tilde{u}_1$ларга нисбатан тескари масалага эга бўламиз. Гиперболик тенгламалар назариясидан маълумки $0 < t < z, z > 0$ бўлганда $\tilde{u}_0(t,\lambda,z) = 0$ бўлади. Шунинг учун $\tilde{u}_0$ ни

$$\tilde{u}_0(t,\lambda,z) = i\lambda\delta(t-z) + v(t,\lambda,z)\theta(t-z) \tag{16}$$

кўринишда ифодалаш қулай, бу ерда $v(t,\lambda,z)$ – регуляр функция. (16) тенгликни ҳисобга олсак, тескари масала ечимга эга бўлиши учун $\tilde{g}_0(t,\lambda)$ функция

$$\tilde{g}_0(t,\lambda) = i\lambda\delta(t) + r(t,\lambda)\theta(t), \quad t \in \mathbb{R}$$

кўринишда бўлиши зарур, бу ерда $r(t,\lambda)$ функция t аргумент бўйича маълум силлиқлик шартларини қаноатлантиради. Юқоридаги тенгликни инобатга олган ҳолда v функция учун қўшимча шарт

$$v|_{z=0} = r(t,\lambda), \quad t > 0$$

каби бўлади.

3-теорема. $r(t,\lambda) \in C^2[0,T]$(силлиқлик t бўйича) бўлиб, $r(0,\lambda) = 0$, $r'(0,\lambda) = -\frac{1}{4}i\lambda^3$ ўринли бўлсин. У ҳолда ихтиёрий тайин $T > 0$ лар учун (13)-(15) ($n = 0$ да) тескари масала ягона $K_0(t) \in C[0,T]$ ечимга эга бўлади.

4-теорема. Ихтиёрий тайин λ лар учун $\tilde{g}_1(0,\lambda) = 0, \tilde{g}_{1t}(0,\lambda) = 0$ тенгликлар ўринли бўлиб, $\tilde{g}_1(t,\lambda) \in C^2[0,T]$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий тайин $T > 0$ лар учун (13)-(15) ($n = 1$ да) масала $C[0,T]$ узлуксиз функциялар синфига тегишли ягона K_1 ечимга эга.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида икки ўлчовли эластик-қовушқоқлик интегро-дифференциал тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масала

$$u_{tt} - \Delta u = \int_0^t K(\tau,x) \Delta u(t-\tau,x,z) d\tau, \;\; t \in R, \;\; (x,z) \in \mathbb{R}_+^2, \tag{17}$$

бошланғич

$$u|_{t<0} \equiv 0 \tag{18}$$

ва чегаравий

$$\left[u_z + \int_0^t K(\tau,x) u_z(t-\tau,x) d\tau\right]_{z=0} = \delta(x)\delta'(t) \tag{19}$$

шартлар билан қаралган бўлиб, бу ерда $\mathbb{R}_+^2 = \{(x,z) \in \mathbb{R}^2 | z > 0\}$, $\Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial z^2}$.

Тескари масалани қуйидагича қўямиз: (17)-(19) тўғри масала ечимининг $z = 0$ даги

$$u(t,x,0) = b(t,x), \;\; t > 0, \;\; x \in \mathbb{R}.$$

қийматидан фойдаланиб, (17) тенглама интеграл ҳадининг $K(t,x)$, $t > 0$, $x \in \mathbb{R}$ ядроси топилсин.

(17) тенглама иккала томонини x^m га кўпайтириб, x ўзгарувчи бўйича минус чексиздан плюс чексизгача интеграллаб, (8) ва (9) тенгламаларни ҳисобга олиб

$$v_{n,mtt} - v_{n,mzz} = m(m-1)v_{n,m-2} +$$
$$+\int_0^t \sum_{j=0}^n K_j(\tau)[(m+j)(m+j-1)v_{n-j,m+j-2}(t-\tau,z) +$$
$$+v_{(n-j,m+j)zz}(t-\tau,z)]d\tau, \;\; (t,z) \in \mathbb{R}_+^2. \tag{20}$$

$$v_{n,m}|_{t<0} \equiv 0,$$
$$\left[v_{n,mz} + \int_0^t \sum_{j=0}^n K_j(\tau) v_{(n-j,m+j)z}(t-\tau,z)d\tau\right]_{z=0} = \delta_{n0}\delta_{m0}\delta'(t) \tag{21}$$

$$v_{n,n|_{z=0}} = \int_{-\infty}^{\infty} b_n(t,x)x^n dx = q_n(t), \;\; n = 0,1 \tag{22}$$

тенгламаларга эга бўламиз. Бу тенгликларни $n = m = 0$ да ҳисоблаймиз. У ҳолда (20), (22) тенгликлардан K_0 ва v_{00} ларни топиш учун

$$v_{00tt} - v_{00zz} = \int_0^t K_0(\tau)v_{00zz}(t-\tau,z)d\tau, z > 0, \;\; t \in \mathbb{R}, \tag{23}$$

$$v_{00}|_{t<0} \equiv 0, \;\; \left[v_{00z} + \int_0^t K_0(\tau)v_{00z}(t-\tau,z)d\tau\right]_{z=0} = \delta'(t), \tag{24}$$

$$v_{00}|_{z=0} = q_0(t) \tag{25}$$

масалага эга бўламиз.

Янги $\tilde{v}(z,t)$ функцияни қуйидагича киритамиз:

$$\tilde{v}(z,t) = v_{00}(z,t) + \int_0^t K_0(t-\tau)v_{00}(\tau,z)d\tau.$$

$t = z$ характеристика атрофида $\tilde{v}(z,t)$ функция учун $\tilde{v}(t,z) = -\delta(t-z) + v(t,z)\theta(t-z)$ тенглик ўринли. Тескари масала ечимга эга бўлиши учун $q_0(t)$ функция $q_0(t) = -\delta(t) + \theta(t)q_{00}(t)$, $t \in \mathbb{R}$ кўринишида бўлиши зарур ҳисобланади.

5-теорема. $T > 0$ – тайин сон бўлиб, $q_0(t)$ функция $q_0(t) = -\delta(t) + \theta(t)q_{00}(t)$ кўринишда, $q_{00} \in C^2[0,T]$ ва $q_{00}(0) = q'_{00}(0) = 0$ тенгликлар ўринли бўлсин. У ҳолда (23)-(25) масала ягона ечимга эга бўлиб, $K_0(t) \in C^2[0,T]$, $(v(t,z), v_t(t,z)) \in C(D_T)$ бўлади, бу ерда $D_T = \{(z,t) | \; 0 \le z \le t \le T - z\}$.

(20), (21) ($n = m = 1$ да) ва (22) ($n = 1$ да) тенгламалардан K_1, v_{11} функцияларни топиш масаласини қараймиз. Бу масала учун қуйидаги теорема ўринли:

6-теорема. $q_1(t) \in C^2[0,T]$ бўлиб, $q_1(0) = q'_1(0) = 0$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий тайин $\mathrm{T} > 0$ учун (20)-(22) масала ($n = m = 1$ да) ягона $K_1(t) \in C[0,T]$, $v_{11}(t,z) \in C(\square(0,T))$ ечимга эга бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Икки ўлчамли эластик-қовушқоқлик тенгламаси ядросини аниқлаш»** деб номланиб, эластик-қовушқоқлик интегро-дифференциал тенгламаси қаралган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида тўғри ва тескари масаланинг қўйилиши келтирилган. Қуйидаги интегро–дифференциал тенгламани

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = \frac{\partial}{\partial y} L\left[k(x,t), \frac{\partial u(x,y,t)}{\partial y}\right] + \frac{\partial}{\partial x} L\left[k(x,t), \frac{\partial u(x,y,t)}{\partial x}\right], \tag{26}$$

$(x,t) \in \mathbb{R}^2, y > 0$ лар учун қараймиз, бу ерда $L[k(x,t), u(x,y,t)]$ – бичизиқли оператор бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:

$$L[k(x,t), u(x,y,t)] = u(x,y,t) + \int_0^t k\,(x, t-\tau) u(x,y,\tau) d\tau.$$

Фараз қилайлик, (26) тенглама ечими қуйидаги бошланғич ва чегаравий

$$u|_{t<0} \equiv 0, \qquad L\left[k(x,t), \frac{\partial u(x,y,t)}{\partial y}\right]_{y=0} = -\frac{\delta'(t)}{2} \tag{27}$$

шартларни қаноатлантирсин.

Тескари масала: (26), (27) тўғри масала ечими ҳақидаги

$$u(x,y,t)|_{y=0} = g(x,t), \;\; t > 0$$

қўшимча маълумотдан фойдаланиб, (26) тенгламага кирувчи $k(x,t), t > 0$ ядро аниқлансин. Бу ерда $g(x,t)$ – берилган функция. Берилган масалани $D_T = G_T \times R, G_T = \{(y,t)|\; 0 \le y \le t \le T - y\},\;\; T > 0$ соҳада қараймиз.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида тўғри ва тескари масалалар номаълум функциялар ва уларнинг баъзи ҳосилаларига нисбатан ёзилган эквивалент ёпиқ интегро-дифференциал тенгламалар системасига алмаштирилади. A_s, $s > 0$ орқали $\varphi(x)$, $x \in \mathbb{R}$ ҳақиқий ўзгарувчили, координата бошида аналитик функцияларнинг банах фазосини киритамиз ва улар учун

$$\|\varphi\|_s := \sum_{\alpha=0}^{\infty} \frac{s^\alpha}{\alpha!} \left|\frac{d^\alpha}{dx^\alpha} \varphi(0)\right| < \infty$$

тенглик ўринли бўлсин. Бу ерда $s > 0$ – шкала параметри.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида олдинги параграфда олинган системага аналитик функциялар банах фазоси шкаласи методи қўлланилади. x ўзгарувчи бўйича аналитик, t ўзгарувчи бўйича силлиқ бўлган функциялар синфида тескари масаланинг локал бир қийматли ягона ечими мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган:

7-теорема. $g(x,t)=\frac{\delta(t)}{2}+\tilde{g}(x,t)\theta(t),\ \tilde{g}(x,0)=\tilde{g}_t(x,0)=0$ ва $(\tilde{g}(x,t),\tilde{g}_t(x,t),\tilde{g}_{tt}(x,t))\in C_t\big(A_{s_0};\ [0,T]\big)$ ўринли бўлсин. У ҳолда шундай $b\in(0,T/2)$ сони топиладики, ихтиёрий $s\in(0,s_0)$ лар учун тескари масаланинг ягона

$$k(x,t)\in C_t^2\big(\ A_{s_0};[0,b(s_0-s)]\big)$$

ечими мавжуд.

Диссертациянинг учинчи боби **«Таъсирдан кейинги горизонтал қатламли эластик муҳитнинг хотира функциясини сонли аниқлаш»** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида асосий масаланинг қўйилиши келтирилган. Бўлиниш чегаралари $z_k,\ k=\overline{0,N},z_0=0$ лардан иборат бўлган n-қатламли муҳитни қараймиз, бунда m-қатлам $[z_{m-1},z_m]$ интервалда жойлашган, $N+1$ эса $[z_N,\infty)$ да жойлашган (1-расм). Ҳар бир қатламнинг физик хусусиятлари ўзининг бўйлама тўлқинлари, зичликлари бўлиб, улар муҳитнинг хотираси учун жавоб беради, яъни бу функциялар z $(0<z<\infty)$ ўзгарувчи бўйича бўлакли-ўзгармас.

Муҳитнинг тебраниши $f(t)\nabla\delta(x,y,z-z_*)$-портловчи манба ёрдамида амалга оширилган деб ҳисоблаймиз, бунда z_* - манба жойлаштирилган чуқурлик.



1-расм. Муҳит модели.

Цилиндрик координата системасида хотирали бир жинсли муҳит тебранишини тавсифловчи Ламе ситемасини қараймиз. Бунда Ламе коэффициентлари ва хотира функцияси r горизонтал ўзгарувчидан боғлиқ эмас ва горизонтал-қатламли муҳитнинг ҳар бир қатламида бу коэффициентларни ўзгармас деб фараз қиламиз. Сўнг бу системага Фурье-Бессел алмаштиришини қўллаб, ν параметрни 0 га тенг десак қуйидаги

$$\rho\frac{\partial^2 u_z}{\partial t^2}=\frac{\partial}{\partial z}\left(\rho V_p\frac{\partial u}{\partial z}\right)-f(t)\delta'(z-z_*) \tag{28}$$

тенгламага эга бўламиз, бу ерда V_p – оператор бўлиб, қуйидагича аниқланган:

$$V_p u(t,z)=v_p^2u(t,z)-\int_0^t h\,(t-\tau,z)u(\tau)d\tau,\ \ v_p=\sqrt{(\lambda+2\mu)/\rho}.$$

Вақтнинг дастлабки моментида муҳит тинч турган деб ҳисоблаймиз:

$$u_z|_{t<0}\equiv 0. \tag{29}$$

Устки соҳада таъсирнинг йўқлиги қуйидаги чегаравий шарт билан берилади:

$$\left.\left(\rho V_p\frac{\partial u_z}{\partial z}\right)\right|_{z=0}=0. \tag{30}$$

Муҳитнинг z_k узилиш нуқталарида таъсир ва кўчиш майдонлари узлуксиз бўлсин:

$$\left[\rho V_p \frac{\partial u_z}{\partial z}\right]_{z_k} = 0, \quad [u_z]_{z_k} = 0. \tag{31}$$

Муҳитнинг ρ зичлигини ва муҳитдаги бўйлама тўлқинлар тезлиги v_p ни маълум деб ҳисоблаймиз. Хотира функцияси бўлган $h(t,z)$ ни топиш талаб қилинади.

Шу билан бирга (28)-(31) тўғри масала ечими ҳақида қуйидаги

$$u_z(t,0) = u_0(t), \tag{32}$$

қўшимча шарт берилган бўлсин. Бизга маълумки, кўпгина ҳолларда хотира функцияси

$$h(t,z) = \gamma \mathrm{e}^{-\alpha t}$$

кўринишда бўлади. Шунинг учун хотира функциясини шу кўринишда излаймиз. Шуни таъкидлаш керакки, γ ва α параметрлар ҳар бир қатламда турлича қиймат қабул қилишади, яъни улар бўлакли-ўзгармас.

Частотали муҳитда тўғри масалани қараш учун вақт ўзгарувчиси бўйича Лаплас алмаштиришини бажарамиз ва қуйидаги тенгликни оламиз

$$\frac{\partial}{\partial z}\left(\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right) - \rho p^2 v = F(p)\delta'(z - z_*), \tag{33}$$

бу ерда $v(z,p)$, $F(p)$ лар мос равишда $u_z(t,z)$ ва $f(t)$ функцияларининг Лаплас образларидир, $w_p = v_p^2 + \frac{\gamma}{p+\alpha}$. Чегаравий шартлар ва келишувчанлик шартлари

$$\left(\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right)\Big|_{z=0} = 0, \qquad \left[\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right]_{z_k} = 0, \qquad [v]_{z_k} = 0 \tag{34}$$

кўринишда бўлади. Берилган шартларга чексизликда сўниш шартини қўшамиз

$$v \to 0 \;\; (z \to \infty). \tag{35}$$

(32) қўшимча шартни қуйидагича ёзиб оламиз:

$$v(0,p) = v_0(p). \tag{36}$$

Манба функцияси δ функция ёрдамида берилгани учун, (33)-(36) тескари масала қуйидаги масалага эквивалент:

$$\frac{\partial}{\partial z}\left(\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right) - \rho p^2 v = 0, \tag{37}$$

$$\left(\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right)\Big|_{z=0} = 0, \quad v \to 0 \;\; (z \to \infty), \tag{38}$$

$$\left[\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right]_{z_k} = 0, \quad [v]_{z_k} = 0, \tag{39}$$

$$\left[\rho w_p \frac{\partial v}{\partial z}\right]_{z_*} = 0, \quad [v]_{z_*} = \frac{F(p)}{\rho w_p}, \tag{40}$$

$$v(0,p) = v_0(p). \tag{41}$$

γ ва α бўлакли-ўзгармас функцияларни аниқлаш бўйича (37)-(41) тескари масала, қуйидаги қолдиқ функционалини минимизациялаш орқали ечилади:

$$J[\gamma,\alpha]=\sum_{k=1}^{N_\omega}|\,v(0,p)-v_0(p)|^2,\quad p=\beta+i\omega_k, \tag{42}$$

N_ω – бирор интервалдаги частоталар сони, ω_k –шу чегараланган интервалга тегишли.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида қолдиқ функционалини ҳисоблаш учун қатлам буйича ҳисоблаш методидан фойдаланилган. (42) қолдиқ функционалини ҳисоблаш учун (37)-(40) тўғри масалани тез ечишни билишимиз керак, бошқача айтганда $v(0)$ нинг қийматини топишимиз керак. Бунинг учун

$$\rho w_p\frac{\partial v}{\partial z}=sv \tag{43}$$

тенгламани қаноатлантирувчи $s(z)$ функцияни қараймиз, бу ерда v функция (37) тенгламанинг ечими. s функция қуйидаги Риккати тенгламасини қаноатлантиради:

$$s'+\frac{s^2}{\rho w_p}=\rho p^2.$$

s функция учун келешувчанлик шарти $[s]_{z_k}=0$ каби бўлади. Ҳар бир қатламда Риккати тенгламасининг ечими

$$s(z)=(\rho w_p r)_k\frac{(s^k/(\rho w_p)_k+r_k)e^{2r_k(z-z_k)}+(s^k/(\rho w_p)_k-r_k)}{(s^k/(\rho w_p)_k+r_k)e^{2r_k(z-z_k)}-(s^k/(\rho w_p)_k-r_k)}$$

каби бўлиб, бу ерда $r=\sqrt{p^2/w_p}$, $\mathrm{Re}\{r\}>0$. Келишувчанлик шартидан $s(z_k+0)=s(z_k-0)\equiv s^k$ тенгликни оламиз. (38) ва (43) дан $s(0)=0$ эканлиги келиб чиқади, бундан эса Риккати тенгламаси $[0,z_*]$ кесмада

$$s(z)=(\rho w_p r)_1\frac{1-e^{-2r_1 z}}{1+e^{-2r_1 z}}$$

ечимга эга эканлиги келиб чиқади. (40) ва (43) тенгликларни ҳисобга олиб

$$s(z_*+0)v(z_*+0)-s(z_*-0)v(z_*-0)=0,$$

$$v(z_*+0)-v(z_*-0)=\frac{F(p)}{(\rho w_p)_1},$$

$$v(z_*-0)=\frac{F(p)}{(\rho w_p)_1}\frac{s(z_*+0)}{s(z_*+0)-s(z_*-0)}$$

тенгликларни топамиз. Охирги ифода $[0,z_*]$ кесмада (43) дифференциал тенглама учун бошланғич шарт вазифасини бажаради. $[0,z_*]$ кесмада $s(z)$ функция бизда бор, у ҳолда (43) нинг ечими

$$v(z)=e^{r_1(z-z_*)}\frac{1+e^{-2r_1 z}}{1+e^{-2r_1 z_*}}v(z_*-0)$$

каби бўлади. Кейин $v(0)$ ни ҳисоблаймиз:

$$v(0)=\frac{2\,e^{-r_1 z_*}}{1+e^{-2r_1 z_*}}v(z_*-0).$$

Учинчи бобнинг учинчи параграфида қолдиқ функционалини минимизация қилиш учун қўшма градиентлар усулидан фойдаланилган ва қолдиқ функционали градиенти ҳисобланган.

Муҳитнинг қатламланганлидан, γ ва α лар бўлакли-ўзгармас функциялар бўлади ва m – қатлам хотираси γ_m ва α_m лар орқали ифодаланади, у ҳолда $J[\gamma,\alpha]$ (42) қолдиқ функционалини $2N$ аргументли функция сифатида қараш мумкин: $J[\ldots,\gamma_m,\ldots,\ldots,\alpha_m,\ldots]$. Унинг градиенти эса – қуйидаги вектор:

$$\nabla J[\ldots,\gamma_m,\ldots,\ldots,\alpha_m,\ldots]=\left(\ldots,\frac{\partial J}{\partial\gamma_m},\ldots,\ldots,\frac{\partial J}{\partial\alpha_m},\ldots\right)^T. \qquad (44)$$

(44) нинг хусусий ҳосилалари учун

$$\frac{\partial J}{\partial\gamma_m}=\begin{cases}0, & \text{агар}\ \begin{matrix}J(\ldots,\gamma_m,\ldots)\le J(\ldots,\gamma_m+h_\gamma,\ldots),\\ J(\ldots,\gamma_m,\ldots)\le J(\ldots,\gamma_m-h_\gamma,\ldots),\end{matrix}\\ \dfrac{J(\ldots,\gamma_m+h_\gamma,\ldots)-J(\ldots,\gamma_m-h_\gamma,\ldots)}{2h_\gamma}, & \text{акс ҳолда,}\end{cases}$$

$$\frac{\partial J}{\partial\alpha_m}=\begin{cases}0, & \text{агар}\ \begin{matrix}J(\ldots,\alpha_m,\ldots)\le J(\ldots,\alpha_m+h_\alpha,\ldots),\\ J(\ldots,\alpha_m,\ldots)\le J(\ldots,\alpha_m-h_\alpha,\ldots),\end{matrix}\\ \dfrac{J(\ldots,\alpha_m+h_\alpha,\ldots)-J(\ldots,\alpha_m-h_\alpha,\ldots)}{2h_\alpha}, & \text{акс ҳолда}\end{cases}$$

ифодалардан фойдаланиш мумкин. h_γ ёки h_α орттирмалар тескари масалани ечаётганда симуляция қилинган аниқ маълумотларга таяниб танланилади. Қолдиқ функционали минимумини қидиришда, итерациялар сони энг кам бўладиган шартдан келиб чиқиб орттирмаларнинг оптимал қиймати олинади.

Манба функциясининг вақтга боғлиқ ўзгариши қуйидагича бўлсин:

$$F(t)=A_0\mathrm{e}^{-a_0 t}\cos\left(\omega_0 t\right).$$

бу ерда A_0 – манбанинг амплитудаси, a_0 параметр сўниш тезлигини аниқлайди, $\omega_0=2\pi f_0$ частота эса ташувчи. Сонли тажрибаларда қуйидаги қийматлардан фойдаланамиз: $A_0=10^9$, $a_0=10^2$, $\omega_0=2\pi f_0$, $f_0=30$ Гц.

Қуйида реал муҳитнинг моделини қараймиз:

	z_k, м	$\rho\cdot 10^{-3}$, кг/м^3	$v_p\cdot 10^{-3}$, м/с	$\gamma\cdot 10^{-3}$, м^2/с^3	α, 1/с
1-қатлам	100	1.0	0.30	0.00	0.0
2-қатлам	800	1.3	0.70	0.00	0.0
3-қатлам	1500	1.5	1.00	0.00	0.0
4-қатлам	1510	2.0	1.30	2.10	30.0
5-қатлам	1525	2.1	1.33	2.12	50.0
6-қатлам	1540	2.0	1.31	2.19	30.0
7-қатлам	1570	2.2	1.34	2.14	34.0
8-қатлам	1600	2.3	1.33	2.53	50.0
9-қатлам	1700	2.4	1.50	0.00	0.0
10-қатлам	2000	2.4	1.70	0.00	0.0
11-қатлам		2.5	2.00	0.00	0.0

Қолдиқ функционали параметрлари ўзгаришида, қолдиқ функционали қандай ўзгаришини кўрамиз. 2-расм γ_1 ва α_1 етарлича катта оралиқда ўзгариб, бошқа катталиклар ўзгармас бўлганда олинган. $\{\gamma_k, \alpha_k\}$ нинг бошқа жуфтликлари ўзгариши шунга ўхшаш натижага олиб келади. 2-расмда частотанинг турли интерваллари танланганда, қолдиқ функционали қандай ўзгариши келтирилган.



2-расм. Частотанинг турли интерваллари танланганда, қолдиқ функционали ўзгариши, a) $\boldsymbol{f_0} \in [\mathbf{5}; \mathbf{25}]$ Гц, b) $\boldsymbol{f_0} \in [\mathbf{5}; \mathbf{50}]$ Гц, c) $\boldsymbol{f_0} \in [\mathbf{5}; \mathbf{75}]$ Гц.

Буларга қараб шуни айтиш мумкинки, қолдиқ функционали энг катта ўзгариши частота $[5; 75]$ Гц интервалдан танланганда бўлар экан.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида тескари масала сонли ечилган. (42) қолдиқ функционалини минимизация қилишда қўшма градиентлар методидан фойдаланилган. Бунда минимизация қилиш кетма-кетлиги қуйидагича:

$$G^{k+1} = G^k - \theta_k P_k, \quad G = \begin{bmatrix} \gamma \\ \alpha \end{bmatrix},$$

k – итерация номери, G^0 – қидирилаётган функцияларга дастлабки яқинлашиш, P_k – қўшма йўналиш ва

$$P_0 = J'[G^0], \;\; P_k = J'[G^k] + \beta_k P_{k-1}, \;\; \beta_k = \frac{\| J'[G^k] \|^2}{\| J'[G^{k-1}] \|^2}, \;\; k = 1,2,\ldots,$$

θ_k параметр–усулнинг қадами бўлиб,

$$\theta_k = \arg\min_{\theta} J\,[G^k - \theta P_k]$$

бир ўзгарувчили минимизация функцияси ечими. Таклиф қилинаётган алгоритм симуляция қилинган маълумотлар ёрдамида текширилади, яъни мос келувчи тўғри масала ёрдамида керакли катталиклар аниқланади, сўнг қўшимча маълумот функциясига қуйидаги кўринишдаги тасодифий хатолик қўшилади:

$$\tilde{v}_0 = v_0 \left(1 + \frac{Pr}{100} \xi\right),$$

бу ерда Pr – хатоликнинг фоизларда ифодаланиши, ξ – бирлик доирада текис тақсимланган тасодифий комплекс катталик. Тескари масалани сонли ечишда қуйидаги параметрлар танланилган:

- қолдиқ функционалини қуриш учун: $N_\omega = 200$ вақт частоталари сони бўлиб, $\beta = 10^{-2}$ қадам билан $[5; 80]$ Гц интервалдан олинган;
- қолдиқ функционали градиентини аниқлаш учун: $h_\gamma = 10^{-7}$ ва $h_\alpha = 10^{-7}$;
- қўшма градиентлар усули қадами - θ_k, 10^{-8} аниқлик билан ҳисобланилади.

Тескари масалада муҳитнинг хотира параметрлари бўлган γ_k ва α_k $(k=\overline{4,8})$ лар аниқланиб, улар юпқа қатламли қатламлар параметрларидир. Бошланғич яқинлашиш $\gamma_k = 10^3$ м^2/с^3 ва $\alpha_k = 10$ 1/с $(k=\overline{4,8})$. Сонли тажрибалар натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Параметрларнинг тикланиш натижалари a)-c) **α**, d)-f) **γ**; тескари масала берилганларига хатолик қўшиб параметрларни тиклаш a), d) 3%, b), e) 5% ва c), f) 10%. Аниқ қиймат кўк, тикланган қиймат яшил рангли чизиқлар.

Параметрларнинг тикланган қийматларини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, агар тескари масала берилганлари (40) га 3% хатолик берсак, γ_k параметр тиклаш максимал нисбий хатолиги 4%, α_k $(k=\overline{1,4})$ эса – 12%. Хатолик 5% бўлганда мос равишда — 6% ва 24%, хатолик 10% бўлганда— 10% ва 40% ташкил қилади.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация кучсиз горизонтал муҳитларда гиперболик типдаги иккинчи тартибли интегро-дифференциал тенгламанинг икки ўлчовли ядросини топиш тескари масаласини ўрганишга бағишланган.

Асосий тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

асосий қисмида тўлқин оператори бўлган гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенглама учун қўйилган бошланғич-чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши, ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган

тўғри масала ечими $z=0$ да берилган ҳолда Фурье алмаштириши ва моментлар усулларидан фойдаланиб, горизонтал ўзгарувчи x дан кучсиз боғлиқ бўлган интеграл ҳаднинг икки ўлчовли ядросини аниқлаш масаласининг глобал бир қийматли ечилувчанлиги исботланган;

фазовий ўзгарувчилари бўйича аналитик ва вақт ўзгарувчиси бўйича силлиқ функциялар синфида интеграл ҳаднинг икки ўлчовли ядросини топиш масаласининг локал бир қийматли ечилувчанлиги исботланган;

горизонтал қатламланган таъсирдан кейинги эластик-қовушқоқ муҳитнинг хотира функциясини аниқлашнинг сонли усули қурилган, қолдиқ функционалини қуриш учун энг оптимал частоталар оралиғи танланган ва сонли моделлаштирилган, тескари масала ечимини ифодаловчи мисол қурилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОЗОРОВ ЗАВКИДДИН РАВШАНОВИЧ

ОБРАТНЫЕ ЗАДАЧИ ДЛЯ ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В СЛАБО ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ СРЕДАХ

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Бухара-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/FM459.

Диссертация выполнена в Бухарском отделении Института Математики имени В.И.Романовского Академии Наук Республики Узбекистан и Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Хасанов Акназар Бекдурдиевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Карчевский Андрей Леонидович доктор физико-математических наук, профессор (Россия)
Ведущая организация:	**Национальный Университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» __________2020 года в «____» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №___). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» ______________2020 года.
(протокол рассылки № ____ от «___» _______________2020 года).

А.С. Солеев
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.М. Халхужаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н.

А.Б. Хасанов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Значительная часть научных и прикладных исследований, проводимых по всему миру, приводит к изучению прямых и обратных задач для интегро-дифференциальных уравнений в частных производных, а также численным решениям этих задач. В настоящее время обратные задачи для интегро-дифференциальных уравнений с частными производными являются наиболее изучаемыми проблемами геологии, электродинамики, процессов распространения волн, геофизики и многих других областей. Основываясь на дополнительной информации о решении прямой задачи, определение решения прямой задачи и ядра интегро-дифференциального уравнения, а также численное исследование задач остаются одним из важных задач математической физики.

В настоящее время особое внимание уделяется теории и численным методам решения обратных задач, которые являются самой быстрорастущей областью математической физики в мировых научных исследованиях. Такие задачи стали одними наиболее важными в физике и технических науках, так как они позволяют идентифицировать параметры, которые мы не можем непосредственно измерять. Это направление имеет широкий спектр областей применения. Численное определение функции памяти актуально в различных средах и системах с памятью. Учитывая это, правильное математическое моделирование и изучение корректности прямых и обратных задач для интегро-дифференциальных уравнений вязкоупругости в средах с памятью, а также разработка эффективных вычислительных алгоритмов для таких задач является одним из приоритетных исследований и в теории, и в практике.

В нашей стране большое внимание уделяется фундаментальным наукам, которые имеют научное и практическое применение, в том числе обратным задачам математической физики и их численному решению. В связи с этим особое внимание было уделено определению ядра памяти и его численному построению в интегро-дифференциальных уравнениях гиперболического типа. В результате этих исследований удалось доказать существование и единственность решения обратных задач в слабо горизонтальных средах для интегро-дифференциальных уравнений гиперболического типа и построить численный метод определения функции памяти горизонтально-слоистой упругой среды с последействием. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов в области дифференциальных уравнений и математической физики выделено как основная задача фундаментальных исследований[1]. В обеспечении исполнения данного постановления важное значение имеет развитие теории интегро-дифференциальных уравнений математической физики.

---

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 “Об мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан” от 18 мая 2017 года.

